

 Халқаро конференция ўтказилди <b>3</b>	 ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИ ҲИМОЯДА <b>4</b>	 Маҳаллий хомашёдан экспортбон маҳсулот <b>7</b>	 Ноябрь <b>1</b> 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ? <b>8</b>	 5G – Дубайдаги GITEH кўрғазмаси <b>11</b>
---	---	---	--	---

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ № 42 (1221) 2019 йил 31 октябрь

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда ISSN 2010-6602 @bank\_axborotnomasi Сайтимизга ўтиш учун QR кодни телефонингиз орқали сканер қилинг



## ● БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни молиявий кўллаб-қувватлашда банклар муҳим ўрин тутди. Шу боис ушбу молиявий институтларнинг барқарорлиги ва ҳаётдаги ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда давлат бюджетидан тижорат банкларига дастурларни молиялаштириш учун 8,4 миллиард сўм, айланма маблағлар учун 400 миллион АҚШ доллари, устав капиталини ошириш учун 1,7 миллиард АҚШ доллари ажратилди. Умуман олганда, сўнгги икки йил ичида банклар капитализациясини ошириш учун 3,3 миллиард АҚШ доллари давлат маблағи берилди.

Йиғилишда бу маблағлардан самарали фойдаланилмаётгани, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, миջозлар ва банк даромадларини кўпайтириш борасидаги ишлар етарли эмаслиги танқид қилинди.

Мисол учун, хусусий банклар кредит ресурсининг ярмидан кўпини депозитлар ҳисобига шакллантираётган бўлса, давлат банкларида бу кўрсаткич атиги 10 фоиз атрофида. Шунингдек, давлат банклари кредит портфелининг ярмидан кўпи 5 та йирик давлат корхонаси ҳиссасига тўғри келади. Ҳанузгача эскирган дастурий таъминотлардан фойдаланаётгани учун банк хиз-

матлари сифати талаб даражасида эмас.

Тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида банклар фаолиятида давлат иштироки босқичма-босқич қисқартирилмоқда. Хусусан, давлат дастурлари доирасидаги кредитлар фоизи қайта молиялаш ставкаси билан тенглаштирилди ва 2021 йилдан тўлиқ эркинлаштирилиши белгиланди. Бу банкларни кўпроқ миջоз топиш, ресурс жалб қилиш, кредит ажратиш бўйича изланишга, ривожланишга ундайди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга

мувофиқ, банклар трансформациясини тезлаштириш ва сифатли амалга ошириш мақсадида барча давлат банкларидаги акциядорлик вазифаси Молия вазирлигига юклатилди.

Йиғилишда Молия вазирлиги ва Марказий банкка Жаҳон банки билан биргаликда банк секторини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни якунлаш вазифаси кўйилди.

Давлатимиз раҳбари тижорат банкларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, долзарб чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда банкларга кўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ муддатга берилган. Айрим банкларда жорий харажатлар даромадга нисбатан 60-70 фоизни ташкил этади. Шу боис банкларни молиявий соғломлаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

## “MADE IN UZBEKISTAN” ДУНЁ КЕЗМОҚДА

Маҳаллий корхоналарнинг экспортга йўналтирилган маҳсулотларини намойиш этиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан барқарор ва узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида ўтган йили илк бор “Made in Uzbekistan” – Халқаро миллий маҳсулотлар кўрғазмаси ташкил этилган бўлиб, у ўта самарали кечганди.



(Давоми 6-саҳифада)

TexSistemaServis компанияси Ўзбекистонда банк тизими муассасаларига зарур техника ускуналари етказиб берувчи компания сифатида танилган. Уларнинг беминнат хизматлари туфайли қатор банклар замонавий техника жиҳозлари билан таъминланди.

## ТИЗИМ ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР БИЛАН БОЙИТИЛАДИ

24 октябрь куни TexSistemaServis компанияси Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан ҳамкорлигида “Нақд пул айланмасига профессионал ускуналар: янги авлод – янги имкониятлар сари” мавзусида халқаро конференция ўтказди. Унда қатор халқаро корхоналарнинг етакчи мутахассислари, Ўзбекистон банклар ассоциацияси мутасаддилари, шунингдек, юртимиз банкларининг раҳбар ва ходимлари иштирок этди.

– Компаниямиз республика банкларига зарур техникаларни етказиб бериш билан бирга, уларни бу соҳадаги дунёнинг илғор корхоналарида яратилаётган янги маҳсулотлардан хабардор қилади, – дейди TexSistemaServis компанияси Маркетинг менежери Ноила Тошбаева. – Ушбу анжуманда Германия, Япония, Бирлашган Араб Амирлиги каби давлатларининг етакчи компаниялари вакиллари банк соҳасида асқотадиган сўнгги техника ихтироларини намойиш қилмоқда.

Анжуман доирасида банк хизматларини энгиллаштирадиган техник маҳсулотлар, жумладан янги автоматлаштирилган депозит машиналарининг ишлаш жараёни ва кулайликлари айтилди.

(Давоми 2-саҳифада)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 август куни "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги 440-сонли Қонун қабул қилинган.**

Ушбу қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Бизнес-Омбудсман ишни бошлаган.

Мазкур қонунга мувофиқ вакил – мансабдор шахс бўлиб, у тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини, ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларга давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан рияз этилишини таъминлаб беришини белгилаб берган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг

## ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИ ҲИМОЯДА



қўламли ислохотлар ҳам олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор тизимли муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда, уларнинг ҳал этилиши бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш мақсадида 2018 йил 27 июль куни "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5490-сонли Фармон қабул қилиниб, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини муқобил текширувлар ва режадан ташқари текширувларнинг барча турлари бекор қилинди, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бир қатор лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди ва соддалаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 сентябрдаги "Тармоқ ва ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида"ги йиғилишида берилган топшириқларига асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш

ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида саноат кооперация алоқаларини янада ривожлантириш бўйича барча давлат органлари сингари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Вакил – Бизнес-Омбудсман томонидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Вакил девонига Республика ҳудудига кўп миқдорда импорт қилинаётган айрим турдаги маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш чораларини кўриш ва бу борадаги мавжуд тўсиқлар, юзага келаётган муаммолар ҳамда тақлифларни шакллантириш вазифаси юклатилган.

Ушбу вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Вакил девонининг Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатувчи ҳодимлари томонидан Сирдарё вилоят ҳокимлиги, марказий банк, солиқ, божхона, инвестиция ва ташқи савдо, иқтисодий ва саноат бошқармаларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқарувчи ва импортёр корхоналар вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Учрашувларда ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга импорт ўрнини босувчи

маҳсулотлар ҳажми, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш юзасидан тақлифлари олинмоқда.

Шунингдек, импорт қилувчи тадбиркорларга ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишни тақлиф қилиш ҳамда уларни амалга ошириш борасидаги масалалар ўрганилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқиладиган лигига қарамасдан, баъзи хўжалик субъектлари томонидан чет давлатлардан катта миқдорда шу турдаги маҳсулотлар импорт қилинаётган ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Бу йўналишда импорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, импорт маҳсулотини ички бозорга йўналтириш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган барча ишлар мамлакатимизда, хусусан вилоятимизда маҳаллий бизнес вакиллари амалий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

**Нурали ҚУРБОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Вакил девони етакчи инспектори**

## УН ВА НОН СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ОЙЛИК ПУЛ КОМПЕНСАЦИЯ ҚАЧОН ТЎЛАНАДИ?

**Ун ва нон маҳсулотлари нархлари эркинлаштирилиши натижасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг юзга келадиган қўшимча харажатларини қоплаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тўланадиган қелинаётган компенсация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2019 йилдаги "Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №866-сонли қарорига мувофиқ оширилди.**

Жумладан, ёшга доир пенсия, ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандага), болаликдан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа ҳамда белгиланган энг кам ёшга доир пенсиянинг миқдоридан кам пенсия олувчиларга, икки ёшгача бўлган бола парваршиш учун тайинланган нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилаларга бериладиган ҳар ойлик пул компенсацияси 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 22,3 минг сўмдан 50 минг сўмга оширилди.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида пул компенсацияси олув-

чиларининг амалдаги 9 тоифасига қўшимча равишда 14 ёшгача бўлган болалар учун тайинланган нафақа олувчи оилалар ва белгиланган энг кам ёшга доир пенсия миқдоридан пенсия олувчилар киритилиб, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 50 минг сўм миқдоридан ҳар ойлик пул компенсацияси жорий этилди.

Ушбу қарорда белгиланишича, компенсация тўловлари шу йилнинг 1 октябритдан оширилишини инобатга олган ҳолда, ёшга доир пенсия, ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандага), болаликдан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа ҳамда

белгиланган энг кам ёшга доир пенсиянинг миқдоридан кам пенсия олувчиларга пул компенсациялари миқдори октябрь ойи учун Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида автоматик тарзда қайта ҳисобланди ҳамда оширилган миқдорлар фарқи бўйича компенсациянинг қўшимча тўлов ведомостлари тузилган ҳолда тижорат банклари ва Халқ банки филиаллари томонидан тўлаб берилди.

Яъни, октябрь ойи учун 22 300 сўм тўлов ведомостларига киритилган, бўлса, жорий ой учун қўшимча равишда 27 700 сўм, жами 50 000 сўм (22 300+27 700=50 000) тўланди. Шунингдек, ноябрь ойдан бошлаб, ҳар ойда 50 000 сўмдан компенсация тўловлари амалга оширилиб борилади.

Бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парваршиш бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар ҳар ойлик пул компенсацияси октябрь ойи учун қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ноябрь ойида тўланиши таъминланади.

Яъни, октябрь ойида 22 300 сўм тўланади ҳамда октябрь ойи учун 27 700 сўмлик фарқ ноябрь ойи компенсациясига қўшиб, жами 77 700 сўм (50 000+27 700=77 700) тўланади. Шунингдек, декабрь

ойидан ҳар ойда 50 000 сўмдан компенсация тўловлари амалга оширилади.


Компенсация олувчилар тоифасига янги киритилган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда энг кам ёшга доир пенсия миқдоридан пенсия олувчиларига шу йилнинг октябрь ойи учун компенсациялар ноябрь ойида қўшиб тўланади.

Яъни, октябрь ойи учун ҳисобланган 50 000 сўм компенсация ноябрь ойига қўшилиб, жами 100 000 сўм (50 000+50 000=100 000) тўланади. Шунингдек, декабрь ойдан ҳар ойда 50 000 сўмдан компенсация тўловлари давом эттирилади.

Компенсацияларни тайинлаш ёки миқдорларини қайта ҳисоблаш (ошириш) учун фуқаролар томонидан қўшимча ҳужжат ёки аризалар талаб этилмайди. Компенсацияларни оширилган миқдорларда тўлаш ҳамда янги тоифаларга компенсацияларни жорий қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Шухрат ХУДАЙБАКОВ,**  
**Сирдарё вилоят бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқармаси Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи.**

Мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини янада барқарорлаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан янада фаоллашди. Бунда асосий вазифа – тизимни жаҳон молия бозорига интеграциялашдан иборатдир.



## “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ЯНГИЛНИШ ОДИМЛАРИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан мазкур вазифаларни тўлақонли ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Ушбу халқаро ташкилот консультантлари кўмагида Банкни трансформация қилиш дастури яратилди.

### Хизмат кўрсатиш йўналишида трансформация

Бугунги кунда мазкур йирик лойиҳа асосида ишлаб чиқилган банкни замонавий талаблар асосида ислоҳ этишга қаратилган янги бизнес модел, 2019-2021 йилларга мўлжалланган Банкни стратегик ривожлантириш дастури ҳамда Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари бўйича катта натижаларга эришилди.

Банк инфратузилмалари ва IT технологиялари модернизация қилиниб, операцион самарадорлик оширилди, замонавий банк маҳсулотлари ва янги дастурлар жорий этилиб, масофадан кўрсатиладиган инновацион хизматлар доираси кенгайтирилди.

Тизимнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган кредит сиёсати такомиллаштирилди. Банк кредит портфели ва ресурслари янги манбалар ҳисобидан шакллантирилиб, улар таркиби самарали диверсификация қилинди.

Филиалларда мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимлари фронт ва бэк офисларга ажратилиб, аҳоли ва ҳўжалик субъектларига хизмат кўрсатувчи алоҳида бўлинмалар ташкил қилинди. Банк маҳсулотлари сотуви бўйича янги тизим яратилди.

Бевоcита мижозлар билан ишлайдиган ходимлар янги хизмат кўрсатиш стандартлари бўйича ўқитилди. Улар фаолиятини баҳолаш, хусусан намунали хизмат кўрсатган ва маҳсулотлар сотуви бўйича яхши натижа кўрсатган ходимлар учун рағбатлантириш механизми жорий этилди.

Банк томонидан Ўзбекистонда биринчи бўлиб,

- юридик шахс мақомидаги мижозларга 24/7 режимида ишловчи онлайн банк хизматлари тақдим этилди.
- кредит карталар муомаласага чиқарилди;
- Банкнинг Яшнаобод филиалида Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни

бошқариш маркази фаолияти йўлга қўйилди;

– аҳолига жаҳон стандартлари асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида илғор технологиялар билан жиҳзалланган Банк хизматлари маркази ишга туширилди (бугунги кунда жойларда 25 та ана шундай марказ фаолият юритмоқда);

– банкнинг Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек филиали қошида ихтисослаштирилган бўлим ишга туширилиб, у ерда жисмоний шахсларга мўлжалланган хизматлар мажмуаси махсус хизматлар пакети сифатида тақлиф этилмоқда. “SQB Elite”, “Visa platinum”, “Lifestyle management” ҳамда жамғарма ва кредитлаш бўйича ечимлар дастури шулар жумласидандир.

Мижозларга масофадан хизмат кўрсатишга мўлжалланган барча дастурлар (“UzPSB Mobile”, “Менинг банким”, “Шахсий кабинет”, “Корпоратив интернет банкинг”, “UzPSB Mobile Business”, “SMS Banking”) жорий қилинаётган янги хизматларга мослаштирилди.

Банкнинг юридик шахс мақомидаги мижозлари учун “Корпоратив интернет-банкинг” дастури орқали хорижий валютани онлайн буюртманомасида сотиб олиш йўлга қўйилди.

Мижозларга депозит сақлашга тўққинлик қилувчи чекловлар сони кескин камайтирилган янги депозит турлари амалиётга киритилди. Масофадан ҳисоб рақам очиш ва бошқариш имконини берувчи 9 турдаги онлайн омонатлар жорий қилинди.

Ўз фаолиятини очаётган тадбиркорлик субъектларига банкда ҳисоб рақам очишга кўмаклашиш мақсадида банкнинг ахборот тизими Давлат хизматлари марказлари билан интеграция қилинди.

Янги иш бошлаган тадбиркорлик субъектлари учун қулай бўлган хизмат тарифлари жорий этилиб, уларга 2 ой давомида бепул хизмат кўрсатиш белгиланди.

### Банк кредитлаш тизимидаги ўзгаришлар салмоғи

Банкда мижозлар тоифаси (корпоратив, кичик бизнес ёки чакана бизнесга мансублигидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш тизими ишлаб чиқилди. Унга кўра, кичик бизнес субъектларини кредитлаш би-

ринчи босқичдаёқ филиал томонидан амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Кредит ажратиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида кредит конвейер ва электрон кредит кўмитаси тизими ишга туширилди. Айти пайтда кичик бизнес соҳасига кредитлар скоринг тизими асосида таҳлил қилиниб, конвейер дастури орқали (кўмитасиз) ажратилмоқда.

Бунда битта кредитни расмийлаштиришга сарфланадиган вақт чакана кредитлар бўйича 3 кундан 6 соатга, кичик бизнес субъектлари бўйича эса 10 кундан 3 кунга қисқартирилди. Кредит учун талаб қилинадиган ҳужжатлар сони 14 тадан 5 тага камайтирилди.

Тадбиркорларнинг айланма маблағларини тўлдириш борасидаги талаб ва эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида қисқа муддатли тезкор хорижий кредит линияларини (савдон молиялаштириш мақсадида) ажратиш йўлга қўйилди.

### Ўзгаришлар ва тараққиёт мақсади бардавом

“Ўзсаноатқурилишбанк” Ўзбекистондаги йирик инвестиция муассасаси сифатида ўзининг шу йўналишдаги фаолиятини ривожлантириб бормоқда. Бу борада банкнинг яқин истиқболдаги режаси – ишлаб чиқариш объектларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш ва энерго-тежамкорлигини оширишга қаратилган “Green banking” тизими асосида молиялаштириш механизмлари ва хизмат турларини жорий этишни кўзда тутди.

Бундан ташқари, банк исломий молиялаштириш бўйича ҳам хизмат кўрсатиш тарафдори. Шу мақсадида Халқаро Ислом мўлия-мўлия корпорацияси билан музокаралар олиб бормоқда.

Хизмат кўрсатиш йўналишида эса, айти пайтда банкда мижозлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш мақсадида кейинги босқичда банкда хизмат кўрсатилаётган мижозлар ва улар томонидан тақлиф этилаётган товарлар, хизматлар тўғрисида маълумотлар базаси – маркетплейс тизими яратилмоқда. Ушбу тизим тадбиркорларга банкда хизмат кўрсатилаётган ҳамкорларни топшида кўмаклашиб, 24/7 режимида ўзаро товар ва хизматлар олди-сотдисини амалга ошириш мумкин бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, жорий йилда Халқаро молия корпорацияси банкка 50 млн. АҚШ доллари миқдориде инвестиция жалб қилишни мўлжаллаган. Банк қимматли қоғозларини сотиш ҳисобига қўлга киритилувчи ушбу сармо муассасанинг ресурс базасини кўпайтириш ва инвестицион фаолиятини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшади. Банк капиталининг етарлиги бўйича ўрнатилган минимал талабни бажаришда алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, йил якунига қадар тадбиркорлик субъектларини “яхши”, “стандарт” ва “ёрдамга муҳтож” тоифаларга ажратган ҳолда ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилинади.

**Банк Ахборот хизмати**


### “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг кўрсатгичи

“Standard & Poor’s” халқаро рейтинг компанияси “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ҳукумат қўллаб-қувватлови остидаги фаолиятини юқори баҳолаган ҳолда узоқ муддатли кредит рейтингини “В+”дан “ВВ-”га оширди ва рейтинг истиқболини “Барқарор” дея қайд этди.

“Standard & Poor’s” томонидан ушбу рейтинглар эмитент банкнинг йиллик молиявий ҳолати, айти пайтдаги молиявий салоҳияти ва ривожланиш истиқболлари асосида оширилди.

### “PSB Insurance” ва “Skala Reinsurance Brokers” ҳамкорлик тўғрисида келишув имзолади

Жорий йилнинг 22 октябр куни “PSB Insurance” суғурта компанияси “Skala Reinsurance Brokers” (Россия) халқаро қайта суғурталаш компанияси билан суғурта ва қайта суғурта соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади.



Ушбу ҳужжат икки мамлакатдаги мижозларга суғурта ва қайта суғурта ҳимоясини тақдим этиш, шунингдек, инвестицион ва таваккалчилиги юқори бўлган лойиҳаларни амалга ошириш борасида истиқболли ҳамкорликка кенг йўл очади.

Таъкидлаш лозимки, “Skala Reinsurance Brokers” компанияси халқаро брокер сифатида суғурта бозориде 2001 йилдан буён фаолият юритади. Компаниянинг асосий вазифаси дунёдаги қатор суғурта ташкилотларига воситачилик хизматларини кўрсатиб, таваккалчиликларни энг яхши қайта суғурталовчи компанияларга тақсимлайди.

“PSB Insurance”нинг Россия суғурта компанияси билан ҳамкорлиги суғурта хизматлари сифатини ошириш ва ҳар бир ҳамкорни юқори кадрлаш имконини беради, шунингдек, мижозларга узоқ муддатли ва ўзаро манфатли ҳамкорликни тақлиф этади.

## “MADE IN UZBEKISTAN” ДУНЁ КЕЗМОҚДА



(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу анъанани давом этдирган ҳолда жорий йилнинг 23-25 октябрь кунлари “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар мажмуасида II “Made in Uzbekistan” – Халқаро миллий маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳияти тўлиқ намён бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Чунки кўргазмада 500га яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар янги турдаги маҳсулотларни намойиш этиши баробарида республикамиз sanoatida локомотив ролни бажарётган улкан ишлаб чиқариш компаниялари ҳам иштирок этди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзэкспомарказ” МКК АЖ ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада иқтисодиётимизнинг муҳим бўлган – тоғ-кон sanoati, нефть-газ сектори, кимё ва фармацевтика sanoati, автомобилсозлик ва машинасозлик sanoati, электротехника, қурилиш sanoati, тўқимачилик ва чарм-пойабзал sanoati, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат sanoati, халқ-амалий санъати ва Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти намойиш этилиб, ҳар бир вилоятлар ҳам ўз маҳсулотлар билан иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, экспортни кенгайтириш ва иқтисодиётга инвестицияларни кўпайтириш мақсадида ушбу кўргазмада республиканинг барча минтақавий корхоналари ва бирлашмалари қатнашди.

Кўргазма доирасида миллий иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳияти тақдимоти, тайёр тўқимачилик маҳсулотларининг мода намойиши ҳам ўтказилиб, қўл санъати ва миллий ошхона маҳсулотларини тайёрлаш жараёнлари намойиш этилди.

“Ўзчармсаноат” уюшмаси ҳам мазкур кўргазмада фаол иштирок этди. Ушбу 500 дан ортиқ корхоналар маҳсулотларидан иборат уюшманинг замонавий стендидан табиий ва юқори сифатга эга пойабзал, мўйна ва қоракўл маҳсулотлари, спорт товарлари ҳамда чарм-атторлик буюмлари жой олган.

Қайд этиш керакки, аввалги йилларда “Made in Uzbekistan” кўргазмасида уюшма таркибига кирувчи корхоналар асосан ярим тайёр маҳсулотлар билан ишти-

рок этишган бўлса, жорий йилда фақатгина тайёр ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар намойишига кенг ўрин берилган.

– “Ўзчармсаноат” уюшмаси таркибидagi корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг 25 дан зиёд давлатига экспорт қилинмоқда, – дейди “Ўзчармсаноат” уюшмаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Шухрат Алиев. – Бугунги



кўргазмада ана шу корхоналарнинг юздан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан иштирок этмоқдамиз. Уларнинг сифати ва бежиримлиги ҳар қандай кишини безътибор қолдирмайди. Шу боис ҳам хориж ўлкаларида маҳсулотларимизга талаб ортиб бормоқда. Биргина ўтган йилда маҳсулотларимиз асосан МДХ мамлакатлари бозорига экспорт қилинган бўлса, жорий йилдан бошлаб, чарм-пойабзал ва қоракўл маҳсулотлари Европага хусусан, Италия, Чехия, Португалия, Словения каби давлатлар бозорига ўз харидорини топиб улгурган. Натижада экспорт кўрсаткичи сезиларли даражада – 2018 йилда умумий қиймати 150 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот хориж бозорига чиқарилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткични 1.3 баробарга ортиши кутилмоқда.

Кўргазма доирасида “Ўзчармсаноат” уюшмасининг замонавий стендига маҳсулотларни хорижий бозорга олиб чиқиш ва чет эл корхоналари билан манфатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида кўплаб музокара-лар амалга оширилди. Шу билан бирга, “Made in Uzbekistan” миллий маҳсулотлар кўргазмаси уюшма корхоналарининг пойабзал, чарм-атторлик ва мўйна маҳсулотлар

савдоси ва уларни етказиб бериш билан шуғулланувчи хусусий буюртмачилар ҳамда бюджет ташкилотларининг талаб ва таклифларини ўрганишга, ўз навбатида эса истеъмолчиларнинг миллий брендларимиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишларига муносиб имконият бўлди.

Кўргазмада “Ўзбектелеком” АК ўзининг ишлаб чиқариш корхоналари бўлган – “Telecom Devices Pro” МЧЖ ва “Telecom Innovations” МЧЖ ҚҚ маҳсулотлари барчани қизиқишини уйғотди.

Маълумки, “Telecom Devices Pro” МЧЖ 2012 йилда “Навий” эркин иқтисодий ҳудудига ташкил этилган бўлиб, корхонанинг асосий фаолияти CDMA-450 стандартидаги мобиль ва стационар телефонлар, планшет, компьютерлар ишлаб чиқаришдан иборат. “Telecom Devices Pro” МЧЖ Марказий Осиёда CDMA-450 қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона ҳисобланади.

– Кўргазмада маҳсулотларимизга қизиқиш катта бўлди, – дейди “Telecom Devices Pro” МЧЖ мутахассиси Майра Холдикулова. – Айниқса, мобиль телефонлар ва ақлли соатларимиз иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Ҳатто хорижий меҳмонлар ҳам маҳсулотларимизни юқори баҳолади. Бундай эътирофлардан сўнг кўргазма доирасида манфатли битимлар имзолашга умид боғлаяпмиз.

Шунингдек, кўргазмада Навий вилоятининг 30 дан ортиқ sanoat корхоналари ҳам 40 дан ортиқ маҳсулотлари билан фаол ишти-

рок этиб, ҳамкорлик шартномалари имзолади.

– Бугунги кўргазмада вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган турли енгил sanoat, қурилиш, электротехника ва кимё sanoatига тегишли бир қатор тармоқ маҳсулотлари билан қатнашяпмиз, – дейди Навий вилояти Ташқи савдо ва инвестиция бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азиз Нишонбоев. – Шуни алоҳида қайд этиш керакки, юртимизда тадбиркорларга берилаётган эътибор самараси ўлароқ ишлаб чиқариш салоҳияти ниҳоятда ўсиб бормоқда. Мана шу кўргазма ҳам бунинг исботи бўла олади. Ўтган йилларда бу каби кўргазмаларда sanoqli маҳсулотлар билан қатнашган бўлсак, бугун уларнинг сони ортди. Ишонаманки, келгуси йил бундан-да ошади. Буларнинг барчаси ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка кенг имкониятлар берилишининг самараси дейиш мумкин.

Мамлакатимиз автомобилсозлиги ҳам йил сайин янги кўринишда тараққий этиб бораётир. Кўргазма доирасида “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан ташкил этилган турли автомобиллар кўргазмаси барчани эътиборини тортди.

– Бугунги кўргазмада 5 турдаги юк автомобиллари ва микро-автобуслар билан иштирок этяпмиз, – дейди “Самарқанд автомобиль заводи” Ташқи савдо менежери Азиз Нишонбоев. – Мазкур автомобиллар Евро-4, Евро-5 стандартлари асосида йиғилган бўлиб, бу замонавий талабларга жавоб беради деганидир. Кўргазма доирасида маҳаллий иштирокчиларнинг юк автомобилларига қизиқиши катта бўлган бўлса, хорижий меҳмонларда автобусларимиз катта таассурот қолдирди. Айниқса, қўшни мамлакат вакиллари автобусларимиз хариди бўйича ўз таклифларини билдиришди.

Кўргазма доирасида миллий иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳияти тақдимоти, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари модаси намойиши, хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёни, миллий ошхона намойиши ва бошқалар бўлиб ўтди.

Шунингдек, кўргазма якунида имзоланган экспорт шартномалари натижалари эълон қилиниб, иштирокчилар орасидан “Энг яхши инновацион стенд”, “Энг кўп ташриф буюрувчи стенд” ва бошқа номинация ғолиблари тақдирланди.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**



## МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириб, бюджетга молиявий тушумларни ошириш кўпинча мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар экспорти билан боғлиқ бўлади. Бунда эса лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий плантацияларни барпо қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.



Бунинг натижаси ўлароқ, ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилади, аҳолининг даромадлари кўпайиб, яшашга, янгилик яратишга бўлган иштиёқи ошади. Мана шундай эзгу мақсадларни фаолиятнинг асосий мезонига айлантирган "Туронбанк" АТБ бу борада самарали меҳнат қилаётган ишбилармонларни ўзининг молиявий хизматлари билан қўллаб – қувватлаб келмоқда.

Бунга мисол қилиб, Тошкент вилоятида жойлашган "Райские фрукты" МЧЖни келтиришимиз мумкин. Молия муассасасининг "Зангиота" филиали томонидан амалга оширилган 1,4 млн. АҚШ долларлик инвестиция лойиҳа эвазига корхона писта, ерёнғоқ, бодом каби бир қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тозалаш, қовуриш, қуритиш ва қадоқлаш ишларини бажаришга мўлжалланган замонавий технологияларни Хитой, Туркия, Россия давлатларидан олиб келди. "Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш ва уни қўшимча молиялаштириш лойиҳаси" доирасида фаолият йўлга қўйилиши билан шу турдаги товарлар импортига бўлган талаб бир мунча қисқариб, маҳсулот тайёрлаш қуввати икки миллион тоннага етди. Қирққа яқин янги иш ўрни яратилди. Бунинг натижасида маҳаллийлаштирилган сифатли ва мазали маҳсулотлар айна пайт кўркам қадоқда бозорларимиздаги пештахталарни безатиб турибди.

Мухтарам Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб – қувватлаш борасида қабул қилган кўплаб қарор ва фармонларидан руҳланган ҳолда ва "Туронбанк" АТБнинг имтиёзлари эвазига биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехини ишга туширдик. Жараёни бутунлай замонавий технологиялар билан таъминладик. Айни пайтда Россия ва Хитойга экспортни амалга оширмақдамиз деди "Райские фрукты" МЧЖ раҳбари Аброр Хушназаров.

Президентимиз таъбири билан айтганда, маҳаллийлаштириш дастурлари миллий экспортнинг рақобатдошлигини таъминлашга доир чоралар билан уйғун равишда амалга оширилиши керак.

Банк Ахборот хизмати

Маълумки, Президентимиз томонидан 2019 йил 23 майда "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилиниб, қатор мутасадди ташкилотлар зиммасига тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмини ошириш вазифалари белгилаб берилди.

Шундан келиб чиқиб, экспорт ҳажми 2016 йилда 27,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2023 йилга келиб 100,0 млн. АҚШ доллари, ёки қарийб 4 бараварга ошириш режалаштирилмоқда.

Бу ҳақда яқинда "Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш саъй-ҳаракатларига бағишланган матбуот анжуманида таъкидлаб ўтилди. Унда банк раҳбарияти, тегишли таркибий бўлинмалар масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Хусусан, мазкур қарор доирасида "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳамда бошқа тижорат банкларига қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 2019-2021 йилларда халқаро молиявий институтлар ва хорижий банкларнинг 500 миллион АҚШ доллари дан кам бўлмаган миқдордаги узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш ва фойдаланиш вазифаси топширилган эди.

– Банк томонидан мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар олиб берилди, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк"

кичик бизнесни кредитлаш департаменти директори ўринбосари Отабек Тошев. – Жумладан, амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунгача 166 та истиқболли лойиҳа аниқланиб, улар бўйича умумий ҳажми 500,70 млн. АҚШ долларлик тармоқ ҳадвали тасдиқланди. Шундан ўтган тўрт ой давомида 30 та лойиҳага 76,9 миллион АҚШ доллари миқдоридан хорижий кредит линиялар ажратилди. Мазкур лойиҳалар 2020 йилнинг охирига қадар ишга тушиши натижасида газбетон блоklar, поливинилхлориддан (ПВХ) қувурлар, фитинглар, панеллар ва пол қопламалар, лак-бўёқ маҳсулотлари ва санитария-техника буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмлари бир неча баробар ортади.

Шунингдек, 2019-2021 йилларда 72 та маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 1 406,9 млн. долларлик янги лойиҳалар ишга туширилиши режалаштирилган. Жумладан, 2019 йилда 31 та, 2020 йилда 28 та 2021 йилда 13 та қурилиш корхоналари иш бошлаши мўлжалланмоқда. Бу лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида жорий йилда жами 357,1 млн. АҚШ долларлик, 2020 йилда 1 027,7 млн. АҚШ долларлик ҳамда 2021 йилга келиб эса 1 406,9 млн. АҚШ долларлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган, дея таъкидлади, О.Тошев ўз сўзида.

Шунингдек, тадбирда банк кўмагида ишга туширилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Жумладан, Термиз шаҳрида "Комфорт инерт сервис" МЧЖнинг 4 504,1 минг АҚШ долларлик грант ишлаб чиқариши ташкил этиш лойиҳаси 2 босқичда

амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳага банк томонидан 1-босқичда 2 259,8 минг АҚШ доллари ва 2-босқичда 893,1 минг АҚШ доллари, жами 3 152,9 млн. АҚШ доллар миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Йиллик 300 минг квадрат метр гранит ва габро маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхона бугунги кунда тўлиқ ишга тушган бўлиб, бу ерда 205 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Корхонанинг бугунги кундаги йиллик ишлаб чиқариш қуввати 14 483,5 млн. сўмни, шундан экспорт ҳажми 150,0 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Тадбир давомида банк томонидан бугунги кунда халқаро ва хорижий молия институтларидан Осие тараққиёт банки, Credit Suisse (Швейцария), Raiffeisen Bank International AG (Австрия), Landesbank Baden-Wuerttemberg, Commerzbank, ODDO BHF, KFW Iprex-Bank (Германия), Газпромбанк, "AK BARS Bank" (Россия), "Shinhan Bank" (Жанубий Корея) ҳамда Хитой, Туркия ва Жанубий Корея Эксимбанклари билан ҳамкорликлар тобора мустақамланиб бораётгани таъкидланди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида ушбу молия муассасаларидан 354,8 млн. АҚШ долларлик кредит линиялари жалб қилиниб, улар йирик корхоналардан тортиб, кичик бизнес субъектларининг барча йўналишдаги лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган.

Тадбир сўнггида банк мутахассислари ва журналистлар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Банк Ахборот хизмати

БИЛАСИМИ?

## ЧЕК

**Иқтисодиёт, молия ва банк тизимидаги жуда кўп сўзлар азалдан ўзимизда пайдо бўлган. Жумладан "чек ёзиш", "чек бериш" сўзларининг этимологияси қадимги аждодларимиз истеъмолида бўлиб келган. Умуман, банк тизими ҳозирда Кун ботар мамлакатларида ривожланган бўлса-да, аслида унинг туб илдиэлари ўзимизда.**

Илгари савдо карвонлари маҳсулотларни ала-маши, пуллаш мақсадида Буюк Ипак йўли бўйлаб Хитойдан то Андалусия (Испания)гача қатнаган. Йўлда эса маҳсулотларнинг ўз вақтида, омон-эсон етиб боришига кафолат кам бўлган. Чунки йўлда турли қароқчи қавмлар карвонга бот-бот хужум қилиб туришган. Албатта бунда савдогарлар кўп ҳолларда пулларини қароқчиларга олдириб қўйиш ҳоллари учраб турган. Бундай ҳолатдан куйган, касод бўлган, пулларини олдириб қўйган тижоратчилар муомаладаги нақд пул ўрнига қоғоз ёзиб олиш йўлига ўтишди. Яъни, масалан Хитойдаги савдо ҳамкорига Испаниядаги савдогар пул ўрнига чек ёзиб беради. Ва бу муомала шакли тезда оммалашди. Карвондаги ходим айтайлик Испанияга келиб маҳсулотни топширади, у эса чек ёзиб беради. Ёки аксинча Хитойга, Чин-мочинга келган савдогар маҳсулотни олиб, бунинг ўрнига чек беради.

Бу азбаройи хавфсиз усул эди. Ўзаро ишончга кирган савдогарлар шу йўл билан ўзаро ҳамкорлик қилишган. Шу йўл билан хавфсиз савдога эришилган. Бу усулни "шак" дейишган. Шак дейишдан мақсад "Шак-шубҳа қилма" ёки "Шак остидаги маблағ" маъноларини берган. Агар сезаётган бўлсангиз, ўша "шак" ҳозирда кенг қўлланаётган "чек" сўзининг бироз замон суронларидан "рандаланиб" ўтган – бузилган шаклидир. Ҳозир замонамизда "чек" кенг қўлланиб, уни пластик карта кўринишида ҳам тасаввур қилишимиз мумкин.

Банк тизимида ва иқтисодиётда кенг қўлланаётган бундай соф она тилимиздаги сўзлар жуда кўп. Шулардан яна бири пай – улшудир. Аслида "пай" ҳозир баъзида қўлланадиган "бай" яъни "келишув" сўзининг ўзагидир. Савдо вақтида байга, келишувга эришилганда "бай боши" берилган. Ўртадаги шериклик молидан томонларга бай бериб турилган. Ҳозирда русча термин деб қараладиган "товариш" сўзини аҳамият билан тадқиқ қилсангиз, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони лугатит-турк" асаридан учратасиз. Бу сўз асли "молга шериклик", яъни "товар-иш" эканига тушуниб етасиз. Мол, маҳсулот сўзларининг синоними бўлган "товар" аслида эски туркийча сўзидир.

Хулоса қилиб айтганда, банк тизимида кенг истеъмолдаги кўп сўзлар бизнинг тилимиз хазинасидандир.

Шукур ЖАББОР

## 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

**1. Мобил қурилмалар рўйхатга олинади**  
Ўзбекистон ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмалар жисмоний шахслар, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимига мурожаат қилиши орқали 2019 йил 1 ноябрдан бепул, 2019 йил 1 декабрдан эса, пулли асосда рўйхатга олинади, дея хабар бермоқда **Huquliy axborot** канали.

**2. Ҳисоблагичлар фақат ДХМ ёки ЯИДХП орқали қиёсловдан ўтказилади**

2019 йил 1 ноябрдан бошлаб ҳисобга олиш ускуналарини қиёсловдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

– Бунда, ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги:

- юридик шахслар учун – 4 йил;
- жисмоний шахслар учун – 8 йилни ташкил этади.



**3. Тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари ташкил этилади**

Этим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга олаётган ёки оилавий болалар уйи ташкил этаётган фуқароларни тайёрлаш мақсадида “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчаларида Тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари ташкил этилади.

**4. Сув хўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошади**

Сув хўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари ходимларининг базавий тариф ставкаларига 2019 йил 1 ноябрдан 1,1 ва 2020 йил 1 январдан 1,2 миқдорда тузатиш коэффициентини қўллаш ҳисобига уларнинг иш ҳақи оширилади.

**5. Сув қудуқларини қазिश учун рухсатнома тегишли идоралар билан келишилгандан кейин берилади**

2019 йил 1 ноябрдан 2021 йил 31 декабргача Нурота, Қўшрабат ва Зомин туманлари доирасида жойлашган конлар ҳудудида сув олиш учун қудуқларни қазिशга рухсатнома (аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун мўлжалланган қудуқлардан ташқари) Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан мутасадди идоралар билан келишилган ҳолда берилади.

**6. Юқори туристик салоҳиятли фуқаролар йиғинларининг рўйхати тузилади**

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси энг юқори туризм салоҳиятига эга бўлган фуқаролар йиғинлари рўйхатини шакллантиради. Шунингдек, ушбу фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари ташкил этилганда ва туристлар учун камида беш хил хизмат турлари кўрсатилган тақдирда уларга “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомини беради.

**Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини тақомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди, деб хабар бермоқда **Huquliy axborot** телеграм канали.**

– Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

– кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш, аёллар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни кредитлаш Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича устувор равишда АТ Халқ банки, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Агробанк” АТБ (вако-

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ОРҚАЛИ КРЕДИТЛанади



латли банклар) орқали амалга оширилади;

– кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларига ваколатли банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация


ва субсидиялар беришга рухсат этилади;

– мажмур дастурларни молиялаштириш учун тегишли жамғармалар томонидан ажратилган ресурсларнинг 2020-2022 йилларда сўндириладиган қисми ҳар ойда ваколатли банкларга дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади, бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси қайта молиялаштириш ставкасида 4 фоиз паст қилиб белгиланади.

Қарорга кўра, шунингдек, барча ҳудудларда “банк хизматлари офислари”нинг кенг тармоғи яратилади, ахборот технологияларини қўллаш орқали янги банк хизматлари ҳамда “модулли” кредитлаш асосида янги кредит турлари жорий қилинади.

## ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ: ВАЛЮТА ВА ТОВАРЛАР КЕЛИБ ТУШСА, ЖАРИМА БЎЛМАЙДИ

**Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисидаги низомга тузатишлар киритилди (24.10.2019 йилдаги ПФ-5856-сон Фармонга қаранг).**



Эслатиб ўтамай, қонунчиликда мuddатлар белгиланган:

а) импорт контрактлари бўйича – товарларни республикага олиб кириш ва “эркин муомала учун чиқариш” режимида расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ёки улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш мuddати (Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомнинг 13-бандига қаранг);

б) экспорт операциялари бўйича – тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш мuddати (шу ерда 14-бандга қаранг).

Агар кўрсатилган мuddатлар 30 (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун – 60) банк кунидан ортиқ бузилган бўлса, ТИФ иштирокисидан республика бюджетига даромадига жарима ундирилади. Унинг миқдори ўтказиб юборилган умумий мuddатга боғлиқ бўлиб, тушмаган валюта ёки ўз вақтида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасига қаррали равишда ҳисобга чиқилади;

180 кунгача – 10%, 180 кундан 365 кунгача – қўшимча 20%, 365 кундан ортиқ – қўшимча 70%.

Бироқ, янги қоидаларга биноан маҳаллий импорт қилувчилар ва экспорт қилувчилар жарима қўлланилишининг олдини олиш ва ҳатто бюджетга ундирилган жаримани қайтариб олиш имкониятига эгалар. Бунинг учун валюта экспорт қилувчиларга тушиши, импорт қилувчилар эса товарларни олиб киришлари ва расмийлаштиришлари (ишлар бажарилишини ва хизматлар кўрсатилишини таъминлашлари) лозим:

жаримани қўллаш масаласини кўриб чиқиш пайтига келиб – бу ҳолда жарима қўлланилмайди;

суднинг жарима қўллаш тўғрисидаги қарорини ижро этиш пайтига келиб – қўлланилган жарима тўланмайди;

жарима қўлланилганидан кейин 90 кунлик мuddат ичида – тўланган жарима Давлат бюджетидан қайтариб берилиши лозим. Қайтариш тартибини ҳукумат бир ой мuddатда аниқлаштиради.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН НАВБАТНИ МАСОФАДАН БРОНЛАШ МУМКИН

Давлат хизматлари агентлиги (ДХА) ташриф буюрувчиларга қулай вақтда навбатга ёзилиш функциясини жорий этмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакат бўйлаб тегишли ускуналар ўрнатилган 110 та Давлат хизматлари марказида навбат учун чипта олиш мумкин. Бироқ жойни фақат марказга ташриф буюриладиган кунда бронлаш мумкин. Яъни, навбат олиш учун шахсан келиб инфокиоскда рақамли чипта олиш лозим бўлади.

2019 йил 1 ноябрдан “Олдиндан навбатга ёзилиш” функциясини ишга тушириш режалаштирилмоқда, унинг ёрдамида ДХМга ташриф буюриш учун мос келадиган кун ва вақтни олдиндан танлаш мумкин.



Навбатда жойни бронлаш учун [www.davxizmat.uz](http://www.davxizmat.uz) сайтига кириб, ўзи жойлашган жойни белгилаш етарли. Тизим автоматик тарзда яқин жойлашган ДХМни таклиф қилади. Шундан кейин яқин орада жойлашган марказни танлаб, зарур хизматни белгилаш лозим, сўнгра рақамли навбат чиптаси (ҳарф-рақамли код) шакллантирилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

**НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ  
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН  
ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ  
ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30  
сентябрда 2925-2-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди*

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон "Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925,

2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**М. НУРМУРАТОВ**

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
344-В-2-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
24-сон

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон  
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиш департаментининг 2019 йил 24 августдаги 344-В-2, 24-сон қарорига  
ИЛОВА*

**НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ  
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ  
ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИГА  
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"учинчи томон – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар."

2. 21-банднинг "а" кичик банди олтинчи хатбошидаги ва "б" кичик бандидаги "энг кам ойлик иш ҳақи" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 221-банд билан тўлдирилсин:

"221. Нобанк кредит ташкилотлари мазкур Қоидаларнинг 22-банди иккинчи – тўртинчи хатбошида назарда тутилган миқдорларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин. Бунда нобанк кредит ташкилотлари:

миқдорларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни (электрон тизимлар орқали) кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

миқдорларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхасини сўров асосида кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назо-

рат қоидалари асосида ишлашига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Нобанк кредит ташкилотлари мазкур банднинг иккинчи – тўртинчи хатбошида назарда тутилган талаблардан бирига риоя қилинмаган тақдирда, миқдорларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга ошириши керак.

Нобанк кредит ташкилотлари миқоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчиликларидан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади ҳамда миқозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақли.

Нобанк кредит ташкилотлари шартномада ва (ёки) шартнома офертасида, миқдорларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиши лозим."

4. 26-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"26. Нобанк кредит ташкилоти томонидан жисмоний шахс – миқозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) ёки миқознинг биометрик маълумотлари асосида амалга оширилади. Бунда нобанк кредит ташкилоти жисмоний шахс – миқоз идентификацияси:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) асосида амалга оширилганда ушбу ҳужжатнинг асли танишиб чиқиши;

биометрик маълумотлар асосида амалга оширилганда ушбу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизими билан верификация қилиши лозим."

5. 33-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"миқознинг шахсан ўзи ёки унинг вакили бўлмаган ҳолларда хизмат кўрсатиш, нобанк кредит ташкилоти аввал тақдим этилган, текширув даврига ҳақиқий ва верификация қилинган ҳужжатлар асосида идентификация қилиш имконияти мавжуд бўлган ёки миқозларнинг биометрик маълумотлари асосида идентификация қилинган, шунингдек учинчи томонлар амалга оширган миқозларни лозим даражада текшириш натижаларига нобанк кредит ташкилотлари ишонган ҳолатлар бундан мустасно:"

6. 35-бандда:

1-кичик бандда "энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорига" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-кичик бандда "энг кам иш ҳақининг 400 баравари миқдорига" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараварига" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 40-банднинг "ж" кичик бандида "энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорига" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварига" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги томонидан 2019 йил  
8 октябрда 2465-7-сонли рақами  
билан рўйхатдан ўтказилди*

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПФ-5476-сон "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сонли қарори)"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/1-сон қарори (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк  
раиси**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
21/8-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

*Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2019 йил 24 августдаги 21/8-сон  
қарорига  
ИЛОВА*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 7-банд "тўловларнинг учинчи шахслар (ҳўжалик юритувчи субъектлар) ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмайди," деган сўзлардан кейин "товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатлари ва" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 59-банд қуйидаги мазмундаги "д" кичик банд билан тўлдирилсин:

"д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) – Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат агентларига ("Ўзпахтасаноат" АЖ, "Ўздонмахсулот" АЖ, "Ўзагролизинг" АЖ, "Ўзмашлизинг" МЧЖ) ажратилган мақсадли маблағларни қайтариш бўйича мажбуриятлар тижорат агентлари томонидан бажарилмаган тақдирда, уларнинг банк ҳисобварақларига."

## АРМОНЛАРНИ АРИТАДИГАН ФАРМОН

Президентимизнинг давлат тили нуфузини ошириш ҳақидаги Фармони ўқиб

Давлатимиз раҳбари имзо чеккан “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тил сиёсатида инқилобий ҳодиса бўлди, десак асло муболага қилмаган бўламиз. Унда тилимизнинг ривожини, жамиятимиздаги ўрни ва мавқеига тўғаноқ бўлаётган барча муаммоларнинг ечими аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган.

### БАРЧАГА ДАХЛДОР МАСАЛА

Фармонда тўғри таъкидлангандек: “Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустақкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди”. Кўнглимизга сурур ва ғурур бағишлайдиган гаплар. Тўғрими?”

Бироқ “Давлат тили ҳақида”ги Қонун моддаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашда сусткашликлар ҳам бўлганлиги бор гап. Албатта, бунда ватандошларимиз, биринчи гада зиёлиларнинг сусткашлиги ишнинг белига тепди. Қолаверса, шу пайтгача қонун моддаларининг бажарилишини назорат қилувчи бевосита мутасадди ташкилотнинг ўзи йўқ эди. Шу ўринда ўз журналистик фаолиятимиздан бир фактни келтириб ўтишни жоиз деб билдик. “Сирдарё ҳақиқати” газетаси саҳифасида Қонуннинг 20 ва 22-моддалари кўпол равишда бузилганлиги ҳақида танқидий мақола эълон қилганди. Уни бир неча ташкилотларга назорат қилиш учун йўлладик. Келган жавобларни ўқиб энсамиз қотди. “Бу иш билан шуғулланиш бизнинг вазифамизга кирмайди”. Ваҳоланки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро, ташкилот, корхона ва муассаса раҳбари давлат тили ҳақидаги қонун ижросига дахлдор бўлиши керак эмасми?”. Чунки у шу тилда фаолият олиб бораёпти, ризқ-насиба топаёпти, болачақасини боқаяпти. Шукурки, Фармонда бу муаммонинг ечими ҳам аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. Бу вазифа янги тузилма – Давлат тилини ривожлантириш департаменти зиммасига юкланмоқда. Департамент давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингини амалга оширади, жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этади. Боз устига, яна қатор юмушларни гарданига олади. Энди тилимиз муаммолари ва унинг ечимлари билан мунтазам шуғулланадиган давлат ташкилотига эга бўлаёلمиз. Бу тез орада ўзининг ижобий натижаларини беришига ишонамиз.

Яна бир қувонарли ҳодиса: уч ой миёнасида қонун ижодкорларига “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузган кун талаблари нуқтаи назардан

такомиллаштирилган ҳолда янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Чунки мавжуд қонун жадал ривожланаётган бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди. Қолаверса, миллатимиз ойдинлари (зиёли маъносидан) вақтли нашрлар ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишларида амалдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг кўпроқ декларатив харақтерга эга эканлигини, унинг моддаларини қатъийлаштириш зарурлигини бот-бот ёзишди. Балки қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида давлат тилини назарписанд қилмайдиганларни тартибга қақирувчи янги модда пайдо бўлар... Очмон бўлсак, бундай ўзгаришларга ҳам албатта, шохид бўламиз.

Фармонда яна икки ой муддатда Атамалар комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилиш кун тартибига қўйилди. Чунки замон шиддати шитоб. Лисонимизга кўплаб янги сўз ва атамалар кириб келаяпти. Уларни расмий истеъмолга киритишда нуфузли комиссиянинг қарори алоҳида аҳамият касб этади.

### ТИЛ – МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

Ва ниҳоят, энг муҳим қадам – 2020 йилнинг 1 июнига қадар 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳаларини тайёрлаш тилимизнинг истиқболдаги тараққиётини таъминловчи комплекс вазифасини бажаради. Мазкур ҳужжатларда тилимизнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг фойдаланиш, илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, софлигини сақлаш, бойитиб бориш, аҳоли нутқ маданиятини юксалтириш, давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш, давлат тили қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, мамлакатимиз ҳудудиде истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бериш, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алкалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларини ишлаб чиқиш

ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш каби глобал масалалар ўртага ташланган.

Ўтган асрнинг бошларида маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий миллатдошларимиз тўрт тилни билишини орзу қилган эди. Бироқ бу она тилимизни чеклаш ҳисобига бўлмаслиги керак. Чунки она тили болага она сути ва алласи билан сингади. Унда буюк болаларимизнинг руҳияти мужассам. Яқинда ойнаи жаҳоннинг “Маънавият ва маърифат” каналида таниқли публицист, “Жаҳон адабиёти” журналининг бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоевнинг суҳбатини эшитиб қолдик. У киши бир мактабга борса, таълим муассасаси раҳбари: “Яхшиси ўқувчиларимиз билан суҳбатлашинг”, деб 4-5 нафар ўқувчини хузурига бошлаб келибди. Журналист уларни гапга солса, бирортаси она тилида тузук-қуруқ гаплар олмайди.

Бугунги кунда вилоятимиздаги қайси мактабгача таълим муассасасига борсангиз она тили билан бирга инглиз, ўрис, ҳатто корейс тиллари ўргатилаётгани оғиз тўлдириб айтади. Она сути озидан кетмаган болакайлар ҳали ўзининг она тилини тузук-қуруқ ўзлаштирмай қўшимча икки-уч тилни ўрганишга мажбурланиши кутилган натижани берармикин? Демак, педагог ва психологларимиз бу масалани илмий жиҳатдан ўрганиб, ечимларини топиши керак.

### АСЛИДА ЗАХИРАМИЗ МЎЛ

Тилимизнинг луғат бойлиги бағоят муҳташам. Ҳурматли домла-миз раҳматли Омонулла Мадаев ойнаи жаҳон орқали бир чиқишида шева-ларимиздаги сўзларни қўшиб ҳисоблаганда луғатимизда 1 миллион 200 мингдан ортиқ сўз бор, деган эди. Афсуски, охири марта чоп этилган 6 томлик “Ўзбек тилининг изоҳли” луғатидан бор-йўғи 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси ўрин олган. Бу сўзларнинг ҳам 20-30 фоизи рус тили орқали Европа тилларидан кириб келган. Камина “Миллий ғурур” сўз бирикмасини луғатдан излаб тополмадим. Сўнгра 12 жилдлик “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”ни титдим. Ундан ҳам истаганим чиқмади. Афтидан, олимларимиз луғатларга ушбу сўз бирикмасини киритишдан ҳадиксирашганга ўхшайди. Шўро салтанати даврида миллий ғурурни осонгина миллатчиликка буриб юбориш ҳеч гап эмасми-да. Тилимизнинг бойлигини бор бўйи-басти билан кўрсатиш учун олимларимиз шева-лардаги сўзлардан тартиб берилган луғатларни кўпайтиришлари керак. Биргина мисол, сирдарёлик олимлар Босим Тўйчибоев, Қозоқбой Йўлдошнинг машаққатли изланишлари меваси ўлароқ “Зоминнинг сўз қомуси”тадқиқоти вужудга келди. Уни мутолаа қилсангиз халқимиз оғзаки нутқда юзлаб адабий тилимизда ишлатилмай ётган сўзлар борлигига амин бўласиз. Улар орасида адабий тилимизга киритиш мумкин

бўлган сўзлар кўплаб топилишига ишонгимиз келади. Биргина мисол. Ўтган асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмида Пиримқул Қодировнинг “Қора кўзлар” романида ишлатилган “тўл” сўзи адабий тилимизга ўйнаб-қулиб кириб кетди. Унгача журналистларимиз “кўзилашти кампанияси”, “кўзилашти мавсуми” деган бирикмаларни ишлатиб келарди. Ҳар бир тилнинг бойиши ички (шева ва лаҳжалар) ва ташқи (бошқа тиллардан сўз олиш) имкониятлар ҳисобига рўй беради. Она тилимизнинг бойишида ички имкониятлардан фойдаланиш суст кечаётгандай назаримда. Тилимиз кўпроқ чет тиллардан сўзлар олиш ҳисобига бойиб бормоқда.

Фармондаги энг салмоқли ғоялардан бири ўзбек тилини жаҳон айвонидаги нуфузини оширишдир. Бу борада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш каби муҳим вазифалар олға сурилган. Қани энди интернет тармоғидаги ўзбекча эркин энциклопедия – “Википедия”нинг саҳифаларини миллатимиз тарихи, маданияти, адабиёти, қадриятлари акс этган мақолалар билан тўлдириб ташласак. Ўшанда жумла жаҳон мамлакатимизнинг лисоний салоҳиятидан янада кўпроқ хабардор бўларди.

Ўзбек тили жаҳондаги 40 буюк тилнинг бири ҳисобланади. Айни чоқда мазкур тилда 50 миллиондан зиёд киши гаплашади. Тилимизнинг буюклигига шубҳа қилганлар Маҳмуд Кошғарий бобомизнинг “Девон луғатит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Ҳиббатул-ҳақойиқ”, Аҳмад Югнакийнинг “Қутаду билик”, ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Хамса”, Бобур Мирзонинг “Бобурнома”, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” ҳамда дилбар шеърлари, Ойбекнинг “Навоий”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Тўра Сулаймон, Ҳалима Худойбердиева каби оташнафас шоирларимизнинг асарларини ўқиб кўрсиналар.

Тилимиз кўркам ва ҳашаматли. Фақат уни севмоқ, ардоқламоқ, луғатидаги ҳар бир сўзни кўзга суртиб ишлатмоқ даркор. Буюк бобомиз Алихонтура Соғуний луғат этганларидек: “Қайси бир миллатнинг она тили ўз эҳтиёжини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламаёқ, инсоний ҳуқуқларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиги билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўладилар”. Иншоллоқ бизнинг тилимиз заволга эмас, камолга томон қадам ташламоқда. Тилимизнинг обрўси ва мавқеини кўтариш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғимиз жоиз. Чунки она тилимиз борлигимиз, жону жаҳонимиз, порлоқ шодлигимиз ва ғуссамиздир.

Муҳаммадали АҲМАД,  
Ўзбекистон журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

## GREENPEACE ЭНГ КЎП ЧИҚИНДИЛАР САБАБЧИЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Кундалик турмушда талаб катта ҳисобланаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариб келаётган Nestlé, PepsiCo, Procter&Gamble, Coca-Cola ва Mondelez сингари етакчи компаниялар бошқаларга қараганда кўпроқ ўз қадоқлари билан атроф-муҳитга зарар етказиши аниқланди. Бу маълумотни Greenpeaceнинг Россиядаги бўлими томонидан чиқиндиларга барҳам беришда бизнесдаги нотўғри қарор қабул қилинишига оид тайёрлаган ҳисоботидан билиш мумкин.



"Чиқиндиларнинг глобал ва худудий текшируви натижаси шуни кўрсатадики, улар орасида энг кўп пластик қадоқлар Nestlé, PepsiCo, Procter&Gamble, Coca-Cola ва Mondelez компанияларига тегишли бўлмоқда", - дейилади ҳисоботда.

Greenpeace мутахассислари фикрига кўра, компанияларнинг маҳсулотларни қайта ишланувчи қадоқда ишлаб чиқаришга оид баёнотлари ҳам ифлослиниш муаммосини бартараф этмайди. Экологлар улар томонидан амалга оширилаётган чоралар бир марталик қадоқдан

такроран фойдаланиш билан боғлиқ эканлигини маълум қилмоқда. Бундан ташқари, атиги бир неча компаниялар ҳақиқатан ҳам такрор пластикдан фойдаланаётганликларини очиклаган.

"Атроф-муҳитнинг пластик билан ифлослиниши муаммоси бир марталик пластикдан фойда олаётган компаниялар томонидан бойкот эълон қилингани ва ишлаб чиқаришни қисқартириш ишлари бошланганидан сўнг бартараф этилади", - дейилади ҳисоботда.

Туркияда одамларни жойлаштирувчи барча объектлар, жумладан оммабоп курортлардаги меҳмонхоналарда янги солиқ пайдо бўлиши мумкин.


## ТУРКИЯДА МЕҲМОНХОНАЛАРДА ЯНГИ СОЛИҚ

Мутахассисларнинг фикрича, янги солиқ "яшаганлик учун солиқ" деб номланса-да, Европа давлатларида қабул қилинган туристик йиғим ҳисобланмайди. Тахмин қилинишича, йиғим мижозларни жойлаштириш ва уларга кўрсатилган барча хизматлар – овқатланиш, СПА, кўнгилочар тадбирлар, анжуманларни ташкиллаштиришнинг тўлиқ нархидан меҳмонхона бюджетига ўтказилади.

Меҳмонхона ва қабул қилувчи компаниялар вакилларининг маълум қилишича, янги қоидалар 2020 йил 1 апрелдан кучга кириши, солиқ

қиймати эса, мижозларга кўрсатилган хизматларнинг умумий нархидан 1 фоизни, 2021 йилдан эса 2 фоизни ташкил қилиши мумкин.

Экспертларнинг таъкидлашича, солиқлар ошгани кейинги мавсумда турпакетлар нархи таъсир қилмайди, чунки отелъерлар 2020 йил учун нархларни эълон қилиб бўлишган, аксарият туроператорлар эса, кейинги ёз учун йўлланмаларни сотишни бошлаб юборишган. Бироқ 2021 йилдан "яшаганлик учун солиқ" йўлланмаларнинг камида 2 фоизга ошишига олиб келиши мумкин.




## 5G – ДУБАЙДАГИ GITEX КЎРГАЗМАСИ

Ҳар йили Дубайга ахборот технологияси соҳасига бағишлаб ўтказиладиган GITEX (Gulf Information Technology Exhibition) кўргазмасини томоша қилиш мақсадида 150 мингдан ортиқ сайёҳлар ташриф буюради. Бу йил ҳам кўргазма 5G ишга туширилиши, ақлли шаҳарлар барпо этилиши ва сунъий ақлни бошқарувчи катта маълумотлар тақдим этилиши билан ўзига хос тарзда ўтказилди.

Йилига ўтказилаётган мазкур тадбир 39 йилдан буён ташкиллаштирилаётган бўлиб, унда ҳозирда инновация ва келажак технологиялари соҳасида фаолият юритаётган 4500 дан ортиқ компаниялар иштирок этмоқда.

Трикси Ломирманд, Dubai World Trade Centre, бош президенти: "Технология турли соҳа ва тармоқларда фойдаланилмаса, ундан самара бўлмайди. У бизнес юритишни яхшилашга, жамият ва атроф-муҳитни муҳофаза этишга кўмак бериши лозим. GITEX доирасида технологиядан турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини намойиш қилаётганлигимиздан фахрланамиз. Шунингдек, тақдим этилаётган маҳсулотлар кенг жамоатчиликка тушунарли бўлиши, технологияларнинг фойдаси ҳақида барча маълумотга эга бўлишларига эришамиз".

Башорат қилинаётганидек, Сунъий ақл ривожланишининг жаддаллаштирилиши ҳисобида 2030 йилга бориб жаҳон ЯИМ кўрсаткичи 14 фоиз ортиши мумкин. Бу эса, тахминан 14 триллион еврога тенг ёки 2016 йилдаги умумевропа ЯИМ кўрсаткичи билан баробардир. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётига тахми-



нан 110 миллиард евро кўшилиши мумкин.

Сунъий ақл бу – барча тармоқлар учун энг муҳим бўғин. Келгуси янги даражага уни 5G –симсиз мобиль алоқа етаклаб бориши мумкин. Унинг технологиялари туфайли Сунъий ақл янада юқори тезликда ва катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаши мумкин.

Etisalat телекоммуникаций компанияси тақдим этганидек, янги ва тез ишловчи симсиз тизим кўшимча

реаллик, сунъий ақл ва робототехника ёрдамида ишлайди. 5G тизими 4Gга нисбатан тез ишлайди. Бу эса, одамларга кундалик турмушда катта наф келтиради ҳамда тиббиёт соҳаси, уйни автоматлаштириш ва транспорт соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Аҳмад Ибн Али, Etisalat Groupнинг корпоратив алоқалар бўйича бош президенти: "Жорий йил биз транспорт тармоғини ривожлантиришга хизмат қилувчи бир неча қарорларни тақдим этамиз. Биз бошқариб кетаётган автомобиль автоном тарзда, ҳайдовчисиз, бошқарув воситасисиз бир жойдан бошқа жойга элтиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, яна бир янгилик – учувчи мотоциклларимиз кўпчиликнинг эътиборини қозониши аниқ. Электрон мотоцикллимиз Maserati русумидаги саккиз цилиндрли двигателларга эга. Ерда бошқарилаётган мотоцикл 60 сония ичида осмон узра ҳаракатланиши мумкин. 5G дунёси бу – чегарасиз бир олам. Бирон бир соҳа йўқки, 5G дан наф кўрмаса. 5Gли янги технология ёрдамида биз рақамли келажак барпо этишда етакчиликни қўлга киритиш ниятидамыз".

5G революцияси тез суръатларда давом этаётган айна пайтда маълумотларга асосланган ҳар қандай технологиянинг ишлаб чиқилиши ўзига хос муаммоларга учраб туради. Янги рақамли асрга кириш асосида технологик тармоқлар катта харажатларни талаб этиши ҳамда кибер хавфсизлик соҳасида айрим хатарларни юзга келтириши мумкин.

Сентябрь ойида Европада автомобиль савдоси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кескин ўсди.

## ЕВРОПАДА АВТОМОБИЛЬ САВДОСИ КЕСКИН ЎСДИ

2018 йилда савдо ҳажми янгича чекловлар туфайли кескин қисқарганди.



Европа автоишлаб чиқарувчилар уюшмаси маълумотларига кўра, сентябрь ойида рўйхатдан ўтган янги автомобиллар сони 1,3 миллионга етди, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,5 фоиз ортиқ натижага эришилди.

Автомобиль ишлаб чиқарувчилар орасида сентябрь ойида энг кўп маҳсулотини сотган концернлар сирасига Volkswagen Group (+46,8 фоиз) ва Renault Group (+27,8 фоиз) кирди.

## АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАРГА ГУВОҲНОМА БЕРИШ ТАРТИБИ

“Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ушбу йўналишдаги фаолиятни олиб боришда муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Фармонга кўра, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар маҳсулотни фақат улгуржи ташкилотларга реализация қилади. Пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий винолар бундан мустасно албатта. Эътиборли жиҳати шундаки, барча юридик шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланишга ҳақлидир. Маҳаллий пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий виноларни реализация қилиш барча савдо корхоналари, шунингдек меҳмонхоналар хизматларини ҳамда алкоголь

маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқини берувчи рўхсат этиш гувоҳномаси бўлмасдан туриб умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2020 йил 1 январдан бошлаб ароқ ва ёки ликёр ароқ маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга қуйидаги кўшимча лицензион талаблар жорий этилади.

Ароқ ишлаб чиқармайдиган корхоналарда этиль спиртидан ли-

кёр ароқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан ўрнатилган қувватларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда фойдаланилишини таъминлаш тақозо этилади. Бунда узум, мевалар ва резавордан тайёрланган алкоголь маҳсулотларга минимал ишлаб чиқариш ҳажми бўйича лицензион талаб ўрнатилмайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг этиль спирти, алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялар комиссияси томонидан алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга илгари берилган лицензиялар амал қилиш муддатидан қатъи назар 2019 йил 1 июлгача ҳақиқий ҳисобланади ва янги лицензия талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилиши шарт эканлигини ҳам эслатиб ўтиш ўринлидир.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг таълим, спорт ва диний муассасалардан тўғри чиқиқ бўйича 200 метрдан ортиқ радиусда жойлашган савдо объектларида, шунингдек умумий савдо майдони минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо мажмуалари ва ярмарка павильонларида реализация қилиш назарда тутилган.

Республика ҳудудига алкоголь маҳсулотларини полиэтилен, полистирол ва бошқа полимер материаллардан тайёрланган полимер истеъмол идишларда олиб киришга тақиқ ва жавобгарликни ўрнатиш ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилганлигига аҳамият бериш муҳимдир. Албатта, пиво ва вино маҳсулотлари бундан мустасно эканлигини қайд этиш лозим.

**Шухрат ҚАРШИБОВ,**  
Сайхунбод туман давлат хизматлари маркази ҳужжатлари қабул қилиш ва тақдим этиш бўлими етакчи мутахассиси.

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетга обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агент-

лигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

#### ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

- Қорақалпоғистон Республикаси  
**“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)**  
 Хоразм вилояти  
**“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)**  
 Бухоро вилояти  
**“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)**  
 Жиззах вилояти  
**“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)**  
 Навоий вилояти  
**“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)**  
 Қашқадарё вилояти  
**“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)**  
 Наманган вилояти  
**“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)**  
**“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)**  
 Сирдарё вилояти  
**“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)**  
 Сурхондарё вилояти  
**“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)**  
 Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти  
**“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)**  
**“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)**  
**“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)**  
**“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)**  
 Самарқанд вилояти  
**“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)**  
 Фарғона вилояти  
**“ФАЗО ИНФО” МЧЖ – (90-560-55-95)**



#### АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**Банк, бизнес ва иқтисодий соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!**

**Обуна бўйича муурожаат учун**

**Тел.:**  
 (998) 97 776 60 18  
 71 234 43 18  
**Факс:**  
 (998) 71-234-43-18.  
**E-mail:**  
[info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz)

**ОБУНА  
ИНДЕКСИ-102**

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор  
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари  
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун  
Тел: 99897 776 60 18  
71 234 43 18  
Факс: 71 234 43 18  
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи  
Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,  
23-уй e-mail: [bankakhborotnomasi@mail.ru](mailto:bankakhborotnomasi@mail.ru),  
[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) телеграм каналимиз  
@bank\_akhborotnomasi  
Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”  
МЧЖ

Газета таҳририятининг техник ускуналарига саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиғи билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар такрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кўни чиқади.

Буюртма № г 1003  
Адади 1719 нусха  
Нархи шартнома асосида.  
Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табақда чоп этилди.  
Босишга рўхсат этилди: 30.10.2019 й.  
1 2 3 4 5

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.